

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2026 йил февраль ойининг “27” куни, жиноят ишлари бўйича Булоқбоши туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи туман судининг раиси Н.Мирзажонов, судья ёрдамчиси Ш.Алибоевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси-туман прокурори ёрдамчиси М.Зокиров, ҳимоячи А.Абдураимов, жабрланувчи О.Акбаровларнинг иштирокида, айбланувчи Юсуфбеков Муҳаммадюсуф Хусанбой ўғлига оид 1-1705-2601/25-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, иш ҳужжатларига кўра,

Юсуфбеков Муҳаммадюсуф Хусанбой ўғли
(Yusufbekov Muxammadyusuf Xusanboy o'g'li),

2005 йил 6 августда Пахтаобод туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, муқаддам судланмаган, бўйдоқ, ишламайди, харбий хизматга мажбур, Андижон шаҳри, Бекгузар МФЙ, Шахидтепа кўчаси, 106-уйда яшаган, иш бўйича 2025 йил 9 сентябрь куни сиртдан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиб, қидирув эълон қилинган, ЖПКнинг 221-моддаси тартибида 2026 йил 2 январь куни ушланган, айблов хулосаси нусхасини 2026 йил 3 февралда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қисми, 28,211-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишдаги мавжуд бўлган далилларга ҳолисона баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи М.Юсуфбеков, 2025 йил 29 май куни Андижон шаҳар ИИО ФМБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда, иш бўйича жабрланувчи О.Акбаровга ўзининг танишлари орқали имтиёзли кредит олиб беришни ваъда қилиб, алдаб, унинг ишончига кириб, бунинг эвазига ундан 100 АҚШ доллари талаб қилиб, талаб қилинган 100 АҚШ долларини Андижон шаҳри, Ўзбегим МФЙ, Нихол кўчасида жойлашган “24 Самомойка” олдида олган вақтида ашёвий далиллар билан ушланиши оқибатида, жиноий ҳаракатини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, охирига ўтказа олмасдан, фирибгарлик жиноятини содир этишга суиқасд қилган.

Судланувчи М.Юсуфбеков судда, айбига қисман иқроп бўлиб, 2025 йил 26 май куни кейинчалик таниган Акбаров Отабек билан Андижон шаҳри, Кўшарик даҳасида танишиб қолганини, О.Акбаров билан суҳбатлашган вақтида пул зарур бўлганлиги сабабли кредит олмоқчи эканини айтгани, унга танишлари борлигини, кредит маблағлари олишда ёрдам беришини, бу ҳақида улар билан гаплашиб кўришини айтгани, О.Акбаров 100 миллион сўм кредит олиш учун ҳаражатлари



қанақа бўлишини сўраганида, унга “олдиндан 100 АҚШ доллари берасиз, кредит чикқанидан сўнг 20 миллион сўм қисмини ўзларига олиб қолишади, шундан сизга 80 миллион сўм қолади” деб алдагани, аслида ҳеч қандай танишлари йўқлигини, пул зарур бўлгани учун шундай дегани, шунда О.Акбаров пуллар қачон чиқишини сўраганида, унга 10 июнларгача чиқишини айтгани, сўнг О.Акбаров 100 АҚШ доллари топса кўнғироқ қилишини айтгани, 2025 йил 28 май куни О.Акбаров билан Андижон шаҳри, Кўшариқ даҳасидаги савдо дўконида кўришиб гаплашганида турмуш ўртоғи пул топгани кетганини, турмуш ўртоғи пул топса айтишини айтгани, шу куни кечки соат 20:10 ларда О.Акбаров унга кўнғироқ қилиб, 100 миллион сўм кредитни имтиёзли даври бор ёки йўқлигини сўраганида, унга “7 ой имтиёзли даври бор, ушбу даврда фақат фоизини тулайсиз, фоизи қанчалигини танишларимни ўзлари айтишади, жами бўлиб 7 йил давомида 1 миллион 800 минг сўмдан тўлаб борасиз” деб уни ишонтирганини, сўнг таклифига рози бўлиб пулни эртага топиб ўзи кўнғироқ қилишини айтгани, 2025 йил 29 май куни О.Акбаров кўнғироқ қилиб соат 12:00 ларда пул бўлишини, пулни олгач кўнғироқ қилишини айтгани, шу куни соат 13:00 ларда унга кўнғироқ қилиб пул нима бўлганини сўраганида, 1 соатларда пулни топиб телефон қилишини айтгани, сўнг соат 15:00 лардан ўтгандан кейин кўнғироқ қилиб, пулни топганини, ўзи Андижон шаҳри, Ўзбегим МФЙ, Нихол кўчасида жойлашган автомобилларни ювиш шахобчасида турганини, шу ерга келишини айтганини, 10 дақиқада олдиға боришини айтганини, сўнг айтилган манзилға бориб О.Акбаров билан кўришгани, О.Акбаров билан суҳбатлашиш чоғида 100 АҚШ долларини берганини, пулни чўнтагига солгани, сўнг ундан фуқаролик паспортини копиясини беришини, ушбу паспорт нусхаси кредит ҳужжатлари учун кераклигини айтгани, у эса ҳозир олдида паспорти йўқлиги шу сабабли телеграмм ижтимоий тармоғи орқали паспортини расмини ташлаб юборишини айтгани, унга телеграмм ижтимоий тармоғида фойдаланувчи рақамини бераётган вақтида 5-6 нафар шахслар келиб, гувоҳномаларини кўрсатишиб, ўзларини ИИБ ходимлари эканларини айтишгани, сўнг тезкор тадбир ўтказилганини айтишгани, сўнг улар ёнларини холислар иштирокида кўздан кечиришгани, ҳозирда қилмишидан чин кўнғилдан пушаймонлигини, қилган ишини оқибатини тушуниб етганини, пул зарурлиги, қарзлари борлиги учун О.Акбаровни алдаганини, аслида банкларда ҳеч қандай танишлари йўқлигини, бирон-бир шахсни танимаслигини, кейинчалик ишини ҳал бўлмади деб пулини қайтариб бермоқчи бўлганини билдириб, ўзига нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб, кўрсатув берди.

Жабрланувчи О.Акбаров судда, 2025 йил май ойи охирларида Андижон шаҳри Кўшариқ даҳасида Муҳаммадйосуф исмли йигит билан танишиб қолгани, ушбу йигитдан қаерда ишлашини сўраганида, банк ходими эканини айтгани, шунда унга банкда ишласа кредит олмоқчи бўлиб юрганини, кредит олиш учун нима ҳужжатлар қилишини сўраганида, Муҳаммадйосуф кредит олиш учун нима ҳужжатлар қилиш кераклигини айтгани, сўнг унга номига 100 миллион сўм имтиёзли кредит чиқишини, бунга ўзи ёрдам беришини айтгани, бунга рози бўлгани, Муҳаммадйосуф эса буни учун унга олдиндан 100 АҚШ доллари беришини, бундан ташқари кредит чикқанидан сўнг унинг 20 фоизини ҳам беришини айтгани, буни қандай бўлишини сўраганида, ажратилган 100 миллион сўм кредит маблағидан 20 миллион сўмини уни банкдаги танишлари ўзлари олиб



қолишини айтгани, сўнг у билан бир неча бор телефон орқали гаплашгани, у билан гаплашган вақтларида олдиндан пулини бермаса бўлмаслигини, пулни иложи борича тезроқ беришини бўлмаса кредит чиқиши чўзилиб кетишини айтгани, сўнг уни бу иши нотўғри эканини билиб Андижон вилоят ИИБ бошлиғига ариза билан мурожаат қилганини, аризасига асосан тезкор тадбир ўтказилиб Мухаммадюсуф ушлангани, сўнг ИИБ ходимлари ундан бўлган ҳолатлар юзасидан тушунтириш хати олишгани, Мухаммадюсуф ундан номига кредит ажратилиши учун олдиндан 100 АҚШ доллари беришини сўрагани, бундан ташқари 100 миллион сўмдан 20 миллионини банкдаги танишлари олиб қолишини 80 миллион тегишини айтиб ўтганини, Мухаммадюсуф дастлаб банкда ишлайман дегани учун унга ишонгани, лекин айнан қайси банкда ишлашини, қайси банкдан кредит олинишини айтмагани, ўзи ҳам сўрамагани, бирон-бир банкда ишлайдиган мансабдор шахс ҳақида айтмагани, бу ҳақда стенограммаларда ҳам мавжуд эмаслиги, М.Юсуфбеков ундан олган пулларни айнан кимга беришини айтмаганини билдириб, кўрсатув берди.

Юқоридагилардан ташқари, судланувчи М.Юсуфбековни жиноят содир қилганликдаги айби, унинг дастлабки терговдаги ўз айбига иқдор бўлиб берган кўрсатувлари, пулга кимёвий ишлов бериш, овоз ёзиш мосламасини тақдим қилиш ва гувоҳлантириш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва ашёвий далилларни олиш, ёзувларни дискка кўчириш, ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомалари, стенограмма, суд-кимёвий экспертизаси хулосаси, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ҳақидаги қарор ҳамда иш бўйича тўпланган ишончли ва мақбул далиллар мажмуи билан исботланган.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарори 5-бандининг 2-хатбошида “Судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак”, деб берилган тушунтиришлардан келиб чиқиб, судланувчини қилмишини квалификацияси масаласини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи М.Юсуфбековни иш бўйича жабрланувчи О.Акбаровни номига банкдан имтиёзли кредит олиб беришини айтиб, уни алдаб, ўзганинг мулкни фирибгарлик йўли билан қўлга киритишга суиқасд қилганликда ифодаланган хатти-ҳаракати дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 1-қисми ва 28,211-моддаси 1-қисми билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи М.Юсуфбековга нисбатан қўйилган айб квалификациясини атрофлича муҳокама қилиб, уни 2025 йил 29 май куни аризаси О.Акбаровдан талаб қилинган 100 АҚШ доллари миқдоридagi пулларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритганлик айб эпизодини тугалланган жиноят сифатида баҳолаб, хатоликка йўл қўйган деб ҳисоблайди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги 17-сонли “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 7-бандида, “Мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, мазкур мулк айбдор ёки бошқа шахсларнинг ғайриқонуний эгалигига ўтган ва



улар ундан хоҳлаган тарзда фойдаланиш ёки тасарруф этиш реал имкониятига эга бўлган пайтдан тугалланган деб топилиши, қонунга кўра, шахс банкдаги пул маблағларини улар унинг банкдаги ҳисоб варақасига келиб тушган (ўтказилган) пайтдан бошлаб реал тасарруф қилиш имкониятига эга бўлганлиги туфайли, жиноят бу маблағлар уларни маблағ эгаси ҳисоб варақасидан алдаш ёки ишончли суиистеъмол қилиш йўли билан олган шахснинг ёки бошқа шахснинг банкдаги ҳисоб варақасига ўтказилган пайтдан тугалланган деб топиш лозимлиги; ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, айбдорда ўзганинг мулкига эгалик қилиш ёки тасарруф этиш учун юридик жихатдан тасдиқланган имконият пайдо бўлган пайтдан (масалан, кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ёки қонунга мувофиқ рўйхатга олинishi шарт бўлган бошқа мулкка нисбатан ҳуқуқ рўйхатга олинган пайтдан, шартнома тузилган вақтдан, мулкка нисбатан шахснинг ҳуқуқи тан олинган суд қарори кучга кирган кундан, ваколатли давлат органи айбдорда ёки бошқа шахсларда мулкка нисбатан эгалик қилиш, фойдаланиш ёки тасарруф этиш учун асослар мавжудлиги тўғрисида қарор қабул қилган кундан) тугалланган ҳисобланиши ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 25-моддаси 2-қисмида, қасдан содир этиладиган жиноят бошланиб, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса, жиноят содир этишга суиқасд деб топилиши кўрсатилган.

Шунга кўра, Суд, судланувчи М.Юсуфбековнинг жинойий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қисмидан ЖК 25,168-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 28,211-моддасининг 1-қисмида пора бериш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита ёки воситачи орқали моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкий манфаатдор этишга далолат қилганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи М.Юсуфбеков ўзганинг мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида, ариза муаллифи О.Акбаровни номига танишлари орқали имтиёзли кредит олиб беришини, бунинг учун 100 АҚШ доллари талаб қилиб, пора беришга далолат қилиб, талаб қилинган 100 АҚШ долларини М.Юсуфбеков аризадан олган вақтида ашёвий далиллар билан ушланганликда Ўзбекистон Республикаси ЖК 28,211-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисидаги” ги 7-сонли қарорининг 4-бандида “Иш бўйича ҳукм иш материалларида маълум бўлиб қолган барча камчиликлар тўлдирилгандан кейингина чиқарилиши мумкинлиги, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, судланувчини жиноятни содир қилганлигини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳар бир далил, ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши



лозимлиги”, 5-бандида “Судларнинг эътибори, ЖПК 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилсин, судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари кераклиги, суд ҳукмида, суриштирув, дастлабки тергов ёки бошқа суд мажлисидаги судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувларига, экспертларнинг хулосаларига ва тергов ҳаракатларининг баённомаларига, ЖПКнинг 443-моддасига мувофиқ, ушбу далилларга фақатгина суд мажлисида ўқиб эшиттирилган ва текширилгандагина ҳавола қилиниши мумкин.”деб, 16-бандида “ЖПКнинг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги, шундан келиб чиқиб, судланувчи томонидан терговда ёки судда айбини бўйнига олиш ҳолати у иш бўйича тўпланган ҳамда судда текширилган бошқа далиллар билан ҳолисона исботланган тақдирдагина айблов ҳукми чиқаришга асос бўла олаши” кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли Қарорининг 24-бандида, мансабдор шахс томонидан у мансаб ваколати йўқлиги ёки ўз хизмат мавқеидан фойдалана олмаслиги туфайли аслида амалга ошира олмайдиган муайян ҳаракат (ҳаракатсизлик) учун пул, қимматли қоғоз ва бошқа моддий қимматликлар олиниши, унда мазкур қимматликларни эгаллашга нисбатан қасд мавжуд бўлган тақдирда, фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши лозимлиги, агар шахс (шу жумладан мансаб ваколати йўқлиги ёки ўз хизмат мавқеидан фойдалана олмаслиги туфайли муайян ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни аслида амалга ошира олмайдиган мансабдор шахс), гўёки мансабдор шахсга пора сифатида бериш учун пул ёки бошқа қимматликларни олиб, бироқ аслида бундай нияти бўлмасдан, уларни ўзлаштира, қилмиш фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши лозимлиги, агар қимматликларни эгаллаш мақсадида уларнинг эгаси айбдор томонидан пора беришга далолат этилган бўлса, унинг ҳаракатлари фирибгарликдан ташқари пора беришга далолат этиш сифатида қўшимча квалификация қилиниши лозимлиги, қимматликлар эгасининг ҳаракатлари эса, бундай ҳолларда, пора беришга суиқасд сифатида квалификация қилиниши кераклиги, агар пора бериш ташаббуси пора берувчи томонидан билдирилган бўлса, бундай ҳолда шахснинг ҳаракатлари фақат фирибгарлик жинояти сифатида квалификация қилиниб, қўшимча равишда ЖК 211-моддаси билан квалификация қилишни талаб этмаслиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Иш ҳужжатлари ўрганилганида жиноят ишига илова қилинган стенограммада, шунингдек судланувчи ва иш бўйича аризачи О.Ақбаровни суддаги кўрсатувларида судланувчи М.Ю.Осуфбеков О.Ақбаровдан олган АҚШ



долларини бирон-бир мансабдор шахсга ёки аниқ номи баён қилинган банкнинг бирон-бир мансабдор шахсига ёки бошқа шахсларга беришлиги ҳақида гапирганлиги аниқланмаган.

Дастлабки терговда ва иш ҳужжатларида мавжуд далилларга кўра, судланувчи М.Юсуфбеков аризачи О.Акбаровни пора беришга далолат қилганлигига оид бирор-бир ишончга сазовор далиллар мажмуи билан тасдиқланмаган.

Бундан кўринадики, судланувчи М.Юсуфбековни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,211-моддаси диспозициясида кўрсатилган пора беришга далолат қилиш жиноятини содир этганликда айблаб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 22-моддасининг 3-қисмида иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги;

ЖПКнинг 23-моддасида гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланиши, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмаслиги, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги;

ЖПК 26-моддасининг 2-қисмида суд фақат суд мажлисида текширилган далилларга асосланиб ҳукм чиқариши;

ЖПК 83-моддасининг 2-бандида судланувчининг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса, айбсиз деб топилиши ва реабилитация этилиши лозимлиги;

ЖПКнинг 95-моддасида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилиб ўзларининг ички ишончлари бўйича далилларга баҳо беришлари, ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозимлиги, далиллар жиноят иши учун аҳамиятли бўлган мавжуд ҳолатлар ҳақидаги хулосаларни тасдиқловчи, рад этувчи ёки шубҳа остига олувчи фактлар ёки нарсалар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирган тақдирдагина ишга алоқадор деб эътироф этилиши, далиллар белгиланган тартибда тўпланган ва ушбу Кодекснинг 88, 90, 92-94-моддаларида назарда тутилган шартларга мувофиқ бўлсагина, улар мақбул деб эътироф этилиши, текширув натижасида ҳақиқатга мувофиқ эканлиги аниқланган далиллар ишончли деб ҳисобланиши, исботланиши керак бўлган барча ва ҳар бир ҳолатнинг ҳақиқийлигини сўзсиз тасдиқловчи ишга оид барча ишончли далиллар тўпланган бўлса, уларнинг жами ишни ҳал қилиш учун етарли деб ҳисобланиши;

Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги Қарори 1-бандида, суд ҳукми, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо



берилиши ёки бошқа таъсир чораси қўлланилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги ҳақидаги жиноят суд иш юритувининг асосий вазифаларини ҳал этадиган, суд муҳокамасига яқун ясайдиган Ўзбекистон Республикаси номидан чиқариладиган одил судловнинг муҳим ҳужжати экани, 2-бандида, судлар ҳукм чиқаришда, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва ЖПКда белгиланган суднинг ҳукми қонуний, асосли ва адолатли бўлиши, фақат судлар томонидан, ошкоралик, жиноят ишларини ҳайъатда ва яқка тартибда кўриб чиқилиши, судьялар маслаҳатлашувининг сир тутилиши, одил судловни фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, тарафларнинг ўзаро тортишуви, далилларнинг бевосита ва оғзаки усулда текширилиши, айбсизлик презумпцияси асосида чиқарилиши ва иш бўйича ҳақиқий ҳолатни аниқлаш тўғрисидаги жиноят процессининг муҳим принципларига амал қилишлари, ушбу принциплардан ҳар қандай асосларга кўра чекланиш, ҳукмни қонуний эмас деб топишга асос бўлиши, 4-бандида, иш бўйича ҳукм иш материалларида маълум бўлиб қолган барча камчиликлар тўлдирилгандан кейингина чиқарилиши мумкинлиги, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, судланувчини жиноятни содир қилганлигини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳар бир далил, ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозимлиги, 5-бандида, судларнинг эътибори, ЖПК 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилиши, судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 463-моддасининг 1-қисмида, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршилиқларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги, 464-моддасида 3-қисмида жиноят содир этилишига судланувчи даҳлдор бўлмаса, оқлов ҳукми чиқарилиши кўрсатилган.

Юқоридагиларга асосан, Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи М.Юсуфбековга Ўзбекистон Республикаси ЖК 28,211-моддасининг 2-қисми билан айблов эълон қилинган бўлса-да, жиноят иши материалларида тўпланган ҳужжатлар ва суд муҳокамасида аниқланган юқорида кўрсатиб ўтилган ва юқорида асослантирилган ҳолатларга кўра, ушбу моддада кўрсатилган жиноят аломатлари аниқланмагани ва етарли, ишончли ҳамда мақбул далиллар билан исботланмагани сабабли, М.Юсуфбековни ҳаракатида ЖК 28,211-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган жиноят аломатлари мавжуд эмас деб топиб, уни мазкур



модда ва қисми билан ЖПК 83-моддасининг 2-бандига асосан реабилитация қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсларга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбининг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги, 54-моддасида суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, айбдорнинг шахсини ҳамда енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларини ҳисобга олиши, Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги Қарорининг 1-бандида жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига қатъий амал қилишга қаратилиши, 3-бандида ЖКнинг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи М.Юсуфбековга нисбатан жазо тайинлашда, уни тури ва меъёрини белгилаш масаласини муҳокама қилиб, уни айбига қисман иқроор ва қилмишидан пушаймонлигини, ёшлигини, муқаддам судланмаганини, оилада ягона боқувчилигини, қарамоғида 2-гурух норигони отаси борлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жиноятни ғаразли ва бошқа паст ниятларда жиноят содир этганини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаб, жиноят оқибатида етказилган зарарлар мавжуд эмаслигини инобатга олиб, у айбли деб топилган қонун санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ЖКнинг 62-моддасига асосан эҳтиёт чораси тариқасида қамокда сақланган кунларини тайинланган жазодан чегиришни, ҳеч қаерда ишламаслигини инобатга олиб, ЖКнинг 45-моддасини тадбиқ этишни мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблаб, қўшимча жазо тайинламасликни;

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддасига асосан ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган тадбирда фойдаланилган пул маблағи тадбирдан сўнг қайтарилганини инобатга олишни, 2 дона “DVD” дискни жиноят ишида сақлашни, 1 дона пекетдаги тампон намуналарини тегишли тартибда йўқ қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Юсуфбеков Мухаммадйусуф Хусанбой ўғли (Yusufbekov Muxammadyusuf Xusanboy o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖК 28,211-моддасининг 1-қисми билан эълон қилинган айблов бўйича айбсиз деб топилсин ва мазкур модда ва қисми билан ЖПК 83-моддасининг 2-бандига асосан оқлансин.



Судланувчи Юсуфбеков Мухаммадюсуф Хусанбой ўғли (Yusufbekov Muhammadyusuf Xusanboy o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,168-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

М.Юсуфбековга Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,168-моддасининг 1-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан М.Юсуфбековни 2026 йил 2 январдан 2026 йил 27 февралга қадар эҳтиёт чораси тариқасида қамокда сақланган 57 кун тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан 5 ой 21 кун чегирилиб, ўташ учун 6 ой 9 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ муддати М.Юсуфбеков жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижросини таъминлаш Андижон шаҳар ИИО ФМБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

М.Юсуфбековга нисбатан қўлланилган қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, суд залида озод қилинсин.

Ашёвий далил тадбирда фойдаланилган пул маблағи тадбирдан сўнг қайтарилгани инобатга олинсин, 2 дона “DVD” диск жиноят ишида сақлансин, 1 дона пекетдаги тампон намуналари тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Хукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусҳасини олган кундан эътиборан 10 сутка ичида шу суд орқали Андижон вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят беришга ёки протест билдиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи

Н.Мирзажонов

Маъсул судья: Мирзажонов Нодирбек Рустамович

